



# O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 5-fevral. Shanba

16 (31.292)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯПОНИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Япония Бош вазири Наото Каннинг таклифига биноан 2011 йил 8-10 февраль кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

«Жаҳон» АА

## Ҳамкорлик самаралари

Япония — Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар Президентимиз Ислам Каримовнинг 2002 йилда Японияга расмий ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида жадал ривожланмоқда. Япония юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган изчил ишловларни кенг қўллаб-қувватлаб келаётди.



3

## ЎзХДП: ҳамкорликдаги янги лойиҳа



## Микромолиявий хизматлардан кенг фойдаланиш

аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлашга ёрдам беради

Аввал хабар қилганимиздек, ЎзХДП Марказий Кенгаши билан Марказий банк ҳамкорликда «Микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали янги иш ўринлари яратиш имкониятлари» мавзусида иқтисодий ўқув-семинар ташкил қилишди.

Қибрай туман ҳокимлиги биносида бўлиб ўтган мазкур йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, экспертлар, Марказий банк, тижорат банклари, уларнинг Тошкент вилоятидаги худудий бўлиmlари раҳбарлари, вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, аҳоли вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева

ўқув семинарни ташкил қилишдан кузланган мақсад ҳусусида тўхталиб ўтди:

— Бу лойиҳа ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланиши, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бу борада тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар, микромолиявий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда кредит олиш тартиб-қоидаларини электрот вакилларига атрафлича тушунтириш мақсадида

ташкил этилди. Маълумки, 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили. Табиийки, бу барқарор янги иш ўринлари яратилиши, маъсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларининг янада кенгайтиришига йўл очади. Кам таъминланган оилаларнинг ўз бизнесини ташкил қилишига имконият кўпайиб, аҳоли бандлиги янада мустаҳкамланади.

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорлик фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун қонунчилигимиз ҳамда қонун ости ҳужжатларида етарли шарт-шароит, имконият ва қўлайлик яратилган. Демак, аҳолининг мазкур қонуний меъёрлардан хабардорлик даражасини кучайтириш зарур.

2

## «Адолат» СДП партия сифатида тўла шаклландими ўзи?

Халқимиз 2011 йилга катта орзу-умидлар, янги режалар билан қадам қўйди. Мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисидаги тарихий маърузаси асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси ўз электорати манфаатлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўз гоёвий дастурига таянган ҳолда, Президентимиз илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ишловларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни амалга оширишда фаол иштирок этиш бўйича 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини қабул қилди.

Ҳаракат дастурида ЎзХДП партиявий гуруҳлари ва парламентдаги фракцияси олдига минтақалардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга таъсир кўрсатадиган муқобил таклифларни ишлаб чиқиш вазифалари қўйилди.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш ва демократлаштириш табиий равишда партияларро бахс-мунозара ва рақобатнинг кучайишига олиб

келади. Биз хатоларимизни тўғрилаш ва янада самаралироқ ишлашга ёрдам берадиган ҳаққоний танқид эшитишга тайёрмиз ва бундай танқидлар фақат фойда келтиради, деб ўйлаймиз.

Бироқ баъзан партиявий матбуотда савияси ночор, мантисиз мақолалар ҳам чоп этиляптики, бундан кўзланган мақсад — сиёсий рақибларимиз бизни маъносиз, бесамар мунозарага жалб этиб, ўзларининг бор-

лигини кўрсатиб қўйишга интилаётганга ўхшайди.

Кейинги ойлarda «Адолат» СДП нашридаги «танқидий» мақолалар бунга мисолдир. Ушбу партия асосиз даъволар билан энг оддий мантисиз қоидаларига зид равишда сохта мунозара бошлашга уриниб ётибди. Масалан, 4 февраль куни «Адолат»да эълон қилинган мақола муаллифининг мавжуд бўлган қонунга таяниб ХДПга нисбатан айтган гапларини

олайлик. Эмишки, жамоатчилик бирлашмаси ёки унинг газетаси номида «Ўзбекистон» сўзини ишлаб бўлмасми. Унда «Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси» номига нима дейиш мумкин? Ёки ушбу партиянинг бунга яққоқимлик ҳуқуқи борми?

Бу каби «гоёвий» ва сохта сафсаталар нафақат муаллифининг савиясини кўрсатади, балки буни эълон қилган газета обрўсига ҳам путур еткази.

ЎзХДПнинг «тушунарсиз мафкураси» тўғрисидаги даъвога келсак, тўғриси, бахслашиб ўтиришни ўринсиз, деб биламиз. Бизнинг мафкурамиз адолатчиларга тушунарсизлиги (агар бу рост бўлса)га уларнинг савияси ва бизга қандай муносабатига боғлиқ. Лекин мафкурамиз ўз электорати-

2

Сен ёлеиз эмассан!

Дунёни меҳроқибат қутқаради

3

Концепция

Фуқаролик жамиятини такомиллаштириш йўлида

3

Спорт

Осиё чемпиони ҳақида

мулоҳазалар

4

## Эътироф

Ўзбекистондаги кенг қўламли ишловлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа жабҳаларда, ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда, бошқичма-бошқич, тизимли ва комплекс амалга оширилаётгани, бу борадаги изчиллик таҳсинга лойиқ. Давлатингиз раҳбари ишлаб чиққан демократик ишловларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси мамлакат тараққиётида янги бошқич бошланганидан далolat беради. Мазкур Концепциянинг амалга оширилиши Ўзбекистон дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан ўрин олишига асос бўлади.

Милена ГУДВИЧ, сиёсатшунос (Австрия).

## Хушxabарлар

### Йўловчиларга қўлайлик

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Тошкент — Денов йўналишида йўловчи ташвиш поездлар қатновини йўлга қўйди.

Қунора қатновчи поезд Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўл магистрални бўйлаб ҳаракатланади. Янги магистралнинг ишга тушиши ҳамда темир йўл тизимида хизмат кўрсатиш сифатининг тубдан яхшилланиши сўнгги йилларда мазкур транспорт воситасидан фойдаланувчи йўловчилар сони кескин ўсишига замин яратди.

### Илмий ҳамкорлик

#### келишуви

Ар-Риёд шаҳрида (Саудия Арабистони) Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти ва Кирил Абдулазиз номидаги илмий жамият ўртасида умумий илмий лойиҳалар базасини яратишга мўлжалланган ҳамкорлик келишуви имзоланди.

Мазкур ҳужжат икки мамлакат олимларини ўзаро тарихий, маданий ва илмий бойликлар билан янада яқиндан танишиш, ўзаро фикр алмашиш имконини беради. Улуг мутафаккирларимизнинг хоржиди илмий меросини ўрганиш ва уларнинг илмий фаолиятини тадқиқ этиш учун ҳам бу ҳамкорлик кенг имконият яратади.

### Автобуслар учун

#### муסיқа

Андижондаги «Идас Электроник систем» Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонасида Самарқанд автозаводи учун плеелар тайёрланмоқда.

Мазкур замонавий плеелар Самарқанд автозаводида ишлаб чиқарилаётган «Исузу» автобуслари, юк машиналари ва Асакада чиқувчи энгил автомобилларга ўрнатилмоқда.

Шу пайтга қадар бундай курилмалар хоридан келтирилар эди.

### «GIZ» жамияти

#### Ўзбекистонда

Тошкентда халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти (GIZ) ўз ишини бошлади.

— DEE, GTZ ҳамда InWent каби ташкилотлар йигирма йил давомида Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда, — деди тақдирот маросимида Германиянинг Ўзбекистондаги факуллода ва муҳтор элчиси Вольган Нойен. — Бундай иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларимизнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Маълумки, «GIZ» дунёнинг 130 дан ортқик давлатида фаолият юритади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ

1 Австралия доллари 1640,52  
1 Англия фунт стерлинги 2623,48  
1 БАА дирҳами 450,39  
1 АҚШ доллари 1654,25

1 Миср фунти 282,54  
1 Канада доллари 1653,59  
1 Хитой юани 251,01  
1 Малайзия ринггити 541,14

1 СДР 2587,74  
1 Туркия лираси 1023,54  
1 Швейцария франки 1756,48  
1 Евро 2276,08

10 Жанубий Корея вони 14,74  
1 Япония иенаси 201,66  
1 Россия рубли 55,76  
1 Украина гривнаси 208,61

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.







